

"КЕЛИШИЛГАН"

Янги тиббий техника кўмитаси раиси
Б.С.Абдурахманов
2022 й. 22.06.
ПК № 18

Тиббий буюмни қўллаш бўйича ЙЎРИҚНОМА LORDE NYAL ингаляцион ва интраназал юбориш учун стерил эритма

Таркиби:

1 ml (мл) эритма сақлайди: натрий хлориди – 30,0 mg (мг); натрий гиалуронати – 1,0 mg (мг).

Ўрам таркиби

4 ml (мл) дан полимер контейнерларда, 10 контейнердан картон қутида.

Таърифи

LORDE NYAL – ингаляцион ва интраназал юбориш учун стерил эритма, у осмотик самараси туфайли нафас олиш аъзоларининг яллиғланиш касалликлари бўлган пациентларда юқори ва куйи нафас йўллариининг шиллик қавати секретини суюлтириш ва чиқарилишини яхшилаш йўли билан нафас олишни енгиллаштиради.

Махсус тавсия

LORDE NYAL нафас йўллариининг шиллик қавати шишишини камайтириш, секрецияни суюлтириш ва нафас олишни осонлаштириш учун мўлжалланган.

Қўлланилиши

Ларингитлар, трахеитлар, бронхитлар, бронхиолитларлар, муковисцидоз, бронхоэктатик касаллик ва ўпкаларнинг сурункали обструктив касалликлари. Шунингдек бурун-ҳалқум, бурун бўшлиғи ва ёндош бўшлиқларининг ўткир ва сурункали касалликларида, болаларда аденоидлар гипертрофиясида, йил бўйи ва мавсумий аллергия ринитда, қўлланилади.

Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар

Тиббий буюм компонентларига юқори индивидуал сезувчанликда қўллаш мумкин эмас.

Мақсадли гуруҳ (популяция)

Нафас олиш йўллариининг шиллик қаватининг шишишини камайтириш, секрецияни суюлтириш ва нафас олишни осонлаштириш керак бўлган шахслар.

Қўллаш усули ва дозалари

Ингалятор ёрдамида қўллаш.

Жараённи бажаришдан олдин, ингаляторни ишлатиш бўйича кўрсатмаларни ўқиб чиқинг. Сиз фойдаланаётган ингалятор модели учун фойдаланиш кўрсатмаларига амал қилинг.

Эритма ингаляциясини юзга махсус ниқобни, лаб орти мосламасини, лаб орти мосламаси-сўрғични ёки назал канюляни қўллаб небулайзер ёрдамида ўтказиш мумкин.

Болаларда қўлланилиши (туғилишидан бошлаб): 1 ml (мл) дан 4 ml (мл) гача эритма қўлланилади. Дозаси, давомийлиги ва қўллаш тез-тезлиги шифокор томонидан белгиланади.

Катталарда қўлланилиши: кунига 2 марта бир контейнердан фойдаланилади. Зарурат бўлганида фойдаланиш тез-тезлиги кунига 4 мартагача оширилиши мумкин.

1. Небулайзерни фойдаланишга тайёрлаб қўйинг.
2. Полимер пакетни очинг ва у ердан бир дозалик контейнерни чиқаринг. Контейнер шикастланмаганлигига ишонч ҳосил қилинг. Агар бунга зарурат бўлмаса, контейнерни пакетдан чиқарманг.
3. Чиқарилган контейнерни силкитинг. Бошқа контейнерларни полимер пакетда қолдириш ва уларни картон қутига жойлаштиринг.
4. Контейнерни юқори четидан ушлаб, уни очиш учун бошқа четини буранг.
5. Контейнерни очилган четини пастга қаратиб небулайзерга қўйинг ва секин босинг. Ҳамма эритма небулайзерга оқиб тушганига ишонч ҳосил қилинг.
6. Небулайзерни йиғинг ва мақсадга мувофиқ фойдаланинг.
7. Фойдалангандан кейин небулайзерни ювиб ташланг, эритма қолдиқларини утилизация қилинг.

Интраназал юборилиши

Бир ёшгача болаларга – буруннинг ҳар бир йўлига 1–2 томчидан кунига 2–3 марта; катталар ва 1 ёшдан ошган болаларга – буруннинг ҳар бир йўлига 1–3 томчидан кунига 3–4 марта.

Катталар. Муолажадан олдин қўлларни совун билан ювиш керак ва бурун йўлларини секретдан бурун орқали кескин нафас чиқариш орқали тозалаб ташлаш керак. Эритмани оқиб кетишини олдини олиш учун ётиш ёки ўтириш ва бошни орқага ташлаб, кейин эритмани томизиш керак. Томизилганидан кейин бош орқага ташланган ҳолда 2 минут давомида ётиш тавсия этилади.

Болалар. Муолажани бошлашдан олдин қўллар совун билан ювилиши ва боланинг бурун йўллари эҳтиёткорлик билан шилимшиқдан бўшатилиши керак. Бурун шилимшиқдан бўшатилиганидан кейин эритма буруннинг ҳар бир йўлига томиздирилади. Эритма буруннинг ўнг тешигига томиздирилганида боланинг боши озгина орқага ташланиши ва чапга эгилиши керак, ва аксинча, эритма буруннинг чап тешигига томиздирилганида боланинг боши ўнг томонга эгилиши керак. Томизилганидан кейин болани ўтқизиб, унга бурун йўлларини суюлтирилган шилимшиқдан тозалашга ёрдам бериш керак.

Ножўя реакциялари

Эритма компонентларини индивидуал ўзлаштиролмайдиган шахсларда юқори сезувчанлик реакциялари бўлиши мумкин. Кам ҳолларда бурун шиллик қаватининг гиперемияси, йўтал ёки бронхоспазм пайдо бўлиши мумкин.

Ҳар қандай ножўя реакциялар пайдо бўлган ҳолатда тиббий буюмдан фойдаланишни дарҳол тўхтатиш ва шифокорга ва ишлаб чиқарувчига хабар бериш лозим.

Чекловлар, эҳтиёткорлик чоралари

Эритма фақат ингалицион ёки интраназал юбориш йўли орқали фойдаланишга мўлжалланган.

Эритмадан биринчи бор фойдаланиш шифокор ёки малакали ходимлар назорати остида ўтиши керак. Болалар томонидан фойдаланиши катталар назорати остида ўтиши керак!

Тиббий буюмдан фойдаланишдан олдин ўрам бутунлигини ва яроқлилиқ муддатини текширинг. Бирламчи ўрам шикастланганда ёки агар яроқлилиқ муддати тугаган бўлса буюмдан фойдаланманг.

Бошқа эритмалар ёки дори воситалари билан аралаштирманг!

Буюм фақат бир маротаба қўллаш учун мўлжалланган. Такроран фойдаланманг.

Тиббий чиқиндиларни утилизация қилиш бўйича маҳаллий талабларга мувофиқ утилизация қилинсин.

Сақлаш шароити

+ 5°C дан + 30°C гача бўлган ҳароратда қуёш нурларидан ҳимоя қилинган жойда сақлансин.

Болалар ололмайдиган жойда сақлансин.

Яроқлилик муддати

2 йил. Яроқлилик муддати шикастланмаган ўрамда сақлаш шароитига риоя қилинганида амал қилинади.

Ишлаб чиқарувчининг номи ва манзили

«Юрия-фарм» МЧЖ, Украина, 03038, Киев ш., Н. Амосов кўч., 10

Тел.: +38 (044) 275-92-42; +38 (044) 275-01-08

E-mail: uf@uf.ua

www.uf.ua









Ишлаб чиқариш манзили: Украина, 18030, Черкасси ш., Кобзарская кўч., 108

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тиббий буюмни сифати бўйича эътирозлар (таклифлар) ни қабул қилувчи ташкилот номи ва манзили:

«Юрия-Фарм» МЧЖ ваколатхонаси,

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Нукус кўча 71 уй.

Тел.: 78 150 71 00.

График белгилар ва уларнинг тушунтиришлари	
	Sterile medical device in primary packaging. Sterilized using steam or dry heat/Стерил тиббий буюм бирламчи ўрамда. Буғ ёки қуруқ иссиқдан фойдаланиб стерилизация қилинган
	Do not re-use/Такроран фойдаланилмасин
	Consult instructions for use/Қўллаш бўйича йўриқнома билан танишиш
	Manufacturer/Ишлаб чиқарувчи
	Temperature limit/Ҳарорат чекланиши
	Date of manufacture/Ишлаб чиқариш санаси
	Use-by date/дан кейин фойдаланилмасин
	Batch code/Партия коди